

нындағы мәстан кемпир образын жасауда жыраулары-мыз жомор-сатира күшинен пайданады.

Биз жокарыда «Шәрияр» дәстанындағы қахарманлар образларының жасалыу жоларына тоқтап өттік. Бундағы Гүлшара, Әнжим, Шәрияр, Шахидарап патша, Шасыуар, Ақдәулет, Томан үзир, шопан көкирек кеуиллери таза, инсаният турмысындағы жақсы нийеттеги адамлар сыпатында оғада терең сүүретленеди. Ал, унамсыз жобадағы образларға күншил тоғыз ханым,

мәккар мәстан кемпир, Қодар, палкерлер, моллалар, Бүлбилгөя киреди.

Улыўма алғанда, «Шәрияр» дәстанындағы унамлы хәм унамсыз қахарманлар арасындағы тартыс, жақсылық пенен жаманлықтың тартысы болып есапланады. Ақырында жақсылық жаманлықтың үстинен жеңиске ериседи. Бул қарақалпақ халқының гуманистлик туйғыларының үлкен бир тарийхый көриниси болып табылады.

Әдебиятлар

1. Кенесбаева Ш.К. «Шәрияр» дәстанындағы Гүлшара образының жасалыуының гейпара мәселелери. // «Илим хәм жәмийет», №4-2019.
2. Мақсетов Қ. Қарақалпақ халқының аўызеки көркем дәретпелери. - Нөкис: «Билим», 1996.
3. Шәрияр. Қарақалпақ халық дәстаны (Қуламет хәм Өтенияз жырау вариантлары). - Нөкис: «Қарақалпақстан», 1984.

РЕЗЮМЕ

Мақолада достон қахрамонлари образининг тасвирланиши хусусиятларига тўхталган ҳолда, бу образлар тизими достонларга хос фольклорик хусусиятларга эга бўлиши билан бирга уларда реалистик кўринишлар устун эканлиги далилланган. Умунан, Шарьяр достони шакли, қахрамонлар образларининг яратилиши бўйича мифик-эпик асар бўлса да, яхшиликнинг ёмонлик устудан, адолатнинг адолатсизлик устудан ғалабаси ҳаётнинг глобал масалаларини ҳар томонлама ишончли, бадий тасвирланган асар деган хулосага келинади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются особенности создания героических образов в эпосе, доказываются, что несмотря на то что эта система образов обладает всеми качествами фольклорных произведений, являются мифо-фантастическими и сказочными образами, всё же они являются реалистическими образами. В целом, делается вывод о том, что по форме и созданию героических образов дастан «Шарьяр» является мифологическо-сказочным произведением, и в нём достоверно и на высоком художественном уровне рассматриваются такие глобальные вопросы жизни как добро и зло, справедливость и несправедливость.

SUMMARY

The article deals with the peculiarities of creating heroic images in the epos. Despite the fact that these characters possess all qualities of folklore works, being mythological-fantastic and fairy, they are realistic characters. The author comes to the conclusion, that the epos «Sharyar» is a mythological-fairy work in form and creation of heroic images, but such global issues as «good-evil», «justice-injustice» are narrated truthfully and on the high artistic level.

ФЕРУЗНИНГ ҲАМД ВА НАЪТЛАРИ

Ю.Махаммадиева - таянч докторант

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Таянч сўзлар: шеърят, ҳамд, наът, диний-маърифий мавзу, бадий санъатлар, талкин, бадий маҳорат.

Ключевые слова: поэзия, ҳамд, наът, религиозно-образовательная тема, литературное искусство, литературное мастерство.

Key words: poetry, hamd, nat, religious-educational theme, literary art, literary skill.

Муҳаммад Раҳимхон соний – Феруз салафлари сингари ижодини дастлаб ишқий шеърлар ёзиш билан бошлади. Кейинчалик, мумтоз шеърятимизда кўп асрлик анъана бўлган диний-маърифий мавзуда ҳам асарлар яратди. Бу ҳақда адабиётшунос Г.Исмоилова қуйидагича ёзади: “Феруз динга кучли эътиқод қўйган, теран ҳурмат билан қараган. Шоирнинг ижодий меросида бу фикримизни тасдиқловчи шеърлар мавжуд. Аксарият ғазаллар орасида шундай мисралар учрайдики, буларда шоирнинг дунёқараши, чин эътиқоди очиқ сезилиб туради” [1:5].

Маълумки, мумтоз адабиётимизни тасаввуфдан ажратиб олиб ўрганиб бўлмайди. Диний мотивлар хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Ҳолбуки, шўро даврида кўхна адабиёт намуналари дину тасаввуфдан ажратиб ўрганилди. Улардан коммунистик ғояга мос келадиган мазмун қидирилди. Ферузнинг ушбу мавзудаги шеърлари эса умуман ўрганилган эмас.

Диний-маърифий мавзудаги туркум шеърларида шоирнинг олам ва одам, ҳаётнинг мазмуни, иймон моҳияти, инсоннинг маънавий олами ҳақидаги қарашлари бадий талкин этилган. Маълумки, ислом дини қарор топган мамлакатларда яратилган ҳар бир йирик асар Оллоҳга ҳамд билан бошланган. Жумладан, девонлар ҳам ана шу мазмундаги ғазаллар билан очилади. Профессор Нурбой Жабборовнинг ёзишича: “Ҳамдлар – Яратганнинг мадҳи, мактови. Унинг тенгсиз қудратига айтилган сано, Ҳақ таолонинг ибтидо ва интиҳодан, яралмишларга хос гуноҳу исёнлардан пок экани таърифи. Инсонни дунёнинг моҳиятини англашга даъват этувчи, теран мазмунни гўзал бадий шаклда ифодалаган бетакрор фикрлар мажмуи. Ҳайратланарлиси шундаки, ҳамдлар мумтоз шоирларимизнинг деярли барчасининг ижодида мавжуд. Лекин бири иккинчисини такрорламаслиги

жихатидан ижодкор шахс тафаккури ва истеъдодининг чексиз имкониятларини кўз-кўз қилади гўё” [2:58]. Бу жихатдан шоир маснавийлари алоҳида ўрин тутди. Жумладан, маснавийлардан бири қуйидаги ҳамд билан бошланади:

Эй Қодиру Фаррухи доно,
Халлоқи жаҳон Басийру бино.
Не аввалинга эрур бидоят,
Не бордур охирига ниҳоят.
Бордурсан анингдек Изиди пок,
Зотинг эта олмас ақл идрок.
Мавжудсан, ўзга борча нобуд,
Борсан ики кавн элига маъбуд.
Муҳтожинг эрур гадою султон,
Лутфу карамингга йўқ ҳаду сон.

Ҳамд мазмунидаги шеърларда, одатда, лирик қахрамон шоирнинг ўзи бўлади. Шоир маснавийларида ҳам худди шундай. Шоир ўзининг пургуноҳлигини, гуноҳлар қўлида асиру нотавонлигини ўйлар экан, ҳар бир иймонли банда каби Оллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлади, маҳшар куни Яратган ҳидоят қилмаса, оғир аҳволда қолишдан қўрқувда. Негаки, гуноҳ қўп, Ўзидан ўзга мадакор йўқ:

Ким, асру заифу зордурман,
Осию гуноҳкор эрурман.
Дашти ҳавас ичра қолмишам зор,
Хирс илкига бўлмишам гирифтор.
Ёдингдин ўлуб мудом ғофил,
Қўнглумда туман ҳаёли ботил.
Бошдин-оғим эрур залолат,
Тоатда ишимдурур касолат.

Лирик қахрамон ўзини осию гуноҳкор ҳис этади. Шоир буюк Холиқ олдида тазарру қилар экан, истиоралардан маҳорат билан фойдаланади. “Дашти

хавас”, “хирс илки” – бу истиоралар ифода этилаётган фикрнинг таъсирчанлигини янада оширади. Бошдин-оёғи залолат, тоатда иши касолат экани ҳақидаги шоир Феруз мисраларини шахс Феруз ҳаётининг айни тасвири сифатида қабул қилмаслик керак, бизнингча. Профессор Н.Жабборовнинг Фуркат шеърлари таҳлили мисолида айтилган қуйидаги фикрлари бу каби сатрлар замирида ифодаланган ҳақиқатни чуқурроқ тушунишга ёрдам беради: “Маълумки, ҳақиқат аҳли ҳеч қачон “Мен камолот тимсолиман, гуноҳлардан покман”, демайди. “Гуноҳкорман, осийман, бадкирдорман”, дейди. Ўзини маломат қилади. Шу орқали нафси енгади, покланади. Нафс қутқусидан ҳалос бўлиш – камолотнинг бош шarti” [3:73]. Ўзини гуноҳкор билиш ва бундан тавба қилиш мўминга хос хусусият. Шоирнинг бу мавзудаги шеърларини ўқиганда ана шу жиҳатни ҳар доим назарда тутиш зарур, деб ўйлаймиз. Маснавийнинг давомиди яна шундай мисралар бор:

Бўлмишман асири нафси шайтон,
Журму ганоҳимга йўқ ҳаду сон.
Тоатда гарчи нотавонман,
Айларда гуноҳ паҳлавонман.
Мен худ бу сифатман асру гумроҳ,
Ҳолимдин Ўзунг эурсан огоҳ.
Раҳм айла бу навъ ҳолатимга,
Чохи ғам аро малолатимга.

Шоир фикрни таъсирчан ифодалашда таносиб (асир нафс, журм, гуноҳ), тазод (журм-тоат, нотавон-пахлавон), истиора (чохи ғам) сингари бадий санъатлардан маҳорат билан фойдаланади. Ўқувчини фикр юритишга, мушоҳадага ундайди. Маснавийни мутолаа қилар экансиз, юксак ақл ва истеъдод эгасининг самимий тазаррусидан таъсирланмасликнинг иложи йўқ.

Феруз – мутафаккир шоир. У диний-гасаввуфий илмларни чуқур эгаллаган. Шоир сифатида шеърятнинг назарий асосларини теран билади. Бадий санъатларни қўллашдаги маҳорати, шеърый шакл ва мазмундаги мукаммал уйғунлик, фикрнинг мантикий изчиллиги каби хусусиятлар шундан дарак беради:

Кўб манда агарчи журму исён,
Жўшон Санга лек баҳри ғуфрон.
Сенсан ики кавн аро паноҳим,
Раҳм айлабон афв қил гуноҳим.
Кўнглум уйин айлагин саросар,
Тавҳид чароғидин мунаввар.
Тоатда қадимни айлагил ҳам,
Лутфунг манга ҳаргиз этмагил кам.

Ушбу маснавийда ифодаланган диний-маърифий мазмун шоҳ ва шоир Ферузнинг дунёкарашини чуқурроқ англаш имконини беиши жиҳатидан аҳамиятлидир. Табиийки, бу дунёкараш дин асослари билан, тавҳид илми билан боғлиқ. “Журму исён” ва “баҳри ғуфрон” бирикмалари ҳосил қилган тазод шоир бадий ниятини санъаткорона ифодалашда, айниқса, қўл келган. “Кўнглум уйи”, “тавҳид чароғи” истиоралари фикрни маҳорат билан ифодалаш имконини берган. Қуйидаги байтлар шоирнинг фикрни мисрадан мисрага кучайтириб борганини, самимий туйғулари ифодаси учун муносиб шакл топа билганини кўрсатади:

Ман зорға тавба ато қил,
Файзингга замирим ошно қил.
Даҳр элига гарчи подшоман,
Эҳсонинга мустаҳиқ гадоман.
Адлим била фақр элини қил шод,
Эҳсоним ила жаҳонни обод.
...Дунёда макомими рафиъ эт,
Уқбодда расулинга шафиъ эт.
Кўбтур манга раҳматингдин умид,
Қилма мани нотавони навмид.
Қил бахт ила толеимни Феруз,

Ҳар бир куним айла ийди Наврўз.

Тавба – яралмишларни Яратганга яқинлаштиришга хизмат қилувчи даража. Лирик қаҳрамон ана шу мақомга эриша олган. Шунинг учун ҳам даҳр элига подшо бўлса-да, Ҳақ таолонинг эҳсонига мустаҳиқ гадо эканини иқдор этади. Унинг нияти пок: адолати билан фақр элини шод, эҳсони билан жаҳонни обод қилишга бел боғлаган.

Маснавийнинг сўнгги байтлари дуо тариқасида битилган. Лирик қаҳрамон Яратгандан дунёда баланд даража (рафиъ мақом), охиратда Расули акрам (с.а.в.) шафоатини тилайди. Умидвор эканини таъкидлайди. Зеро, аждодларимиз муборақ ҳадислар мазмунига баноан умид ва қўрқувни ймон қушининг икки қаноти, дея этиқод қилгани бежиз эмас.

Сўнгги байтда “Феруз” исми бир вақтнинг ўзида шоир таҳаллуси ҳамда луғавий маъносида тенг қўлланиб, ийҳом санъатини ҳосил қилган. Ҳар кунининг ийди Наврўз бўлишини тилаш ҳазрат Навоийнинг “Ҳар тунунг кадр ўлубон, Ҳар кунунг ўлсун Наврўз” байтига ҳар жиҳатдан уйғун.

Диний-маърифий мавзуда ёзар экан, шоир ҳамд баробарида наътга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Наът, маълумки, шеърда, ва умуман бадий асарда пайғамбар алайҳиссаломни васф этиш демакдир.

Худо ҳамдидин сўнгра тортиб қалам,
Паямбар дурудини айлай рақам.

Зиҳи суруриким, эрур коинот
Туфайли эрур гар жамоду набот.
Шафиъ ул-умам саййид ул-мурсалин,
Бўлуб пайк анга Жаброил амин.

“Дуруд” сўзига “Навоний асарлари луғати”да қуйидагича изоҳ берилади: мактов; дуо, салом, яхшилик тилаш [4:204]. Бу жиҳатдан у “наът” сўзи билан маънодош: пайғамбар алайҳиссаломнинг мактови. Шоир Худо ҳамдидан кейин мантикий равишда пайғамбар дурудига ўтади. Шоирнинг ёзишича, жамод – жонсиз табиат, набот – ўсимликлар олами Расулуллоҳалайҳиссалом туфайлидан яратилган. У шафиъ ул-умам, яъни охиратда умматларини шафоат қилувчи. Саййид ул-мурсалин, яъни Яратганнинг наздида пайғамбарларнинг энг улуғи. Жаброил амин – Унинг хабарчиси.

Кейинги сатрларда шоир пайғамбар алайҳиссаломнинг мўъжизаси бўлган машҳур меърож воқеасига ишора қилади, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ислом маърифатини оламга ёйишдаги хизматларини васф этади:

Гаҳи арши аълога айлаб уруж,
Ғазо қилғали гоҳ айлаб хуруж.
Жаҳон мулкани исломобод этиб,
Басе, яхши ишларни бунёд этиб.
Чекиб осий уммат учун кўб таъб,
Ўтуб умри қайғу бирла рўзу шаб.

Шоир эътирофича, пайғамбар алайҳиссалом бутун ҳаётини ислом маърифати ривожига бағишлаган. Гуноҳкор умматлари учун кўп машаққат чеккан, умри туну кун қайғу-изтиробда кечган. Охир оқибатда шариат билан динга ривож беришга эришган.

Наътларнинг моҳиятини таҳлил қилган адабиётшунос Сайфиддин Сайфуллоҳ мана бундай ёзади: “Ғазалларда Расули акрамнинг энг буюк пайғамбар ва энг улуғ хулқ соҳиби экани, хайру саховати, жасорат ва шижоати, етимларга шафқат қилгани, умматини севгани, меърож воқеалари ва ҳоказо мавзулар оят ва ҳадислар орқали мадҳ этилади” [5:3]. Бу фикрни мумтоз шеърятнинг бошқа жанрларига, шу жумладан маснавийларга ҳам тўла татбиқ қилиш мумкин.

Ҳамд ва наът мазмунидаги шеърларида Феруз бутун истеъдодини инсон ва унинг бой ички оламини – сийратини, хулқу одобини васф этишга, Яратгани ва

ўзлигини таниш, бу ёруғ оламга келишидан кўзланган асосий мақсад-муддаони англаш сингари муҳим масалаларни бадий талкин қилишга интилди. Пок эътиқоднинг инсон камолотидаги ўрнини кўрсатиб бериш, юксак ахлоқий фазилатларни улуғлаш – Ферузнинг ушбу мавзудаги лирик асарларида асосий мавзу бўлди, дейиш мумкин. Диний-маърифий мавзуда

калам тебратар экан, шоир бу соҳада ҳам чуқур билим эгаси эканини намоён эта билди. Бошқа турдаги шеърлари каби ҳамд ва наътларида ҳам миллий шеърятимизнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсата олди. Орадан неча замонлар ўтса ҳам аҳамиятини сақлаб қола оладиган бой адабий-маърифий асарлар қолдиришга муваффақ бўлди.

Адабиётлар

1. Исмоилова Г. Хоразмнинг фозил фарзанди. / Мухаммад Раҳимхон Феруз. Элга шоҳу ишққа қул. -Т.: “Ғафур Ғулом” 1994.
2. Жабборов Н. Огаҳийнинг оғоҳлик сири. // Tafakkur, 2009, 2-сон.
3. Жабборов Н. Фуркатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т.: 2004.
4. Навоий асарлари луғати (Тузувчилар: П.Шамсиев, С. Иброҳимов). -Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1973.
5. Сайфуллоҳ С. Наът ғазаллар моҳияти. “Хазойин ул-маоний”даги наът ғазаллар китобига сўзбоши. -Т.: “Ноширлик ёғдуси”, 2010.

РЕЗЮМЕ

Мақолада миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти намояндаси Мухаммад Раҳимхон Ферузнинг ҳамд ва наътлари тадқиқи қилинган. Шоир маснавийлари таҳлили асосида унинг ижодида диний-маърифий мавзунинг бадий талкини масаласи ўрганилган. Бадий санъатларни қўллаш маҳорати, ижодкорнинг поэтик маҳорати сирлари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье исследованы хамды и наъты представителя узбекской литературы времени национального пробуждения Мухаммад Рахимхон Феруза. На основе анализа маснавий поэта изучен вопрос литературной интерпретации религиозно-образовательной темы в его творчестве. Также освещены секреты его литературного искусства и поэтического мастерства.

SUMMARY

There are researched the hams and nats of Muhammad Rahimhon Feruz - the representative of the Uzbek literature of the national enlightenment. The issue of literary interpretation of the religious-educational theme in his creation been studied on the basis of the analysis of the poet's masnavies. The secrets of his literary art and poetic mastery are highlighted as well.

ЖЫРАЎ-ШАЙЫРЛАР ДӨРЕТИЎШИЛИГИНДЕ СӨЗ-ЖЫР ИМПРОВИЗАЦИЯСЫ

К.Г.Матимов - таяныш докторант

Эжинияз атындағы Нөкис мамлекетлик педагогикалык институты

Таянч сўзлар: импровизация, анъана, халқ оғзаки ижоди, жиров-шайир, Соппасли Сипира, Асан Қайғи, Доспанбет, Мүйтен.

Ключевые слова: импровизация, традиция, народное творчество, жиров-шаир, Соппаслы Сыпыра, Асан Кайги, Доспанбет, Мүйтен.

Key words: improvisation, tradition, folk art, poet-singer, Soppasli Sipira, Asan Kaygi, Dospanbet, Muyten.

Қарақалпақ әдебиеттаныў илиминде, әдебиет тарийхында жыраў-шайырлар деген атама (термин) менен дусласамыз. Жыраў-шайырлар мийрасы дегенде Соппаслы Сыпыра жыраў, Асан қайғы, Доспанбет жыраў, Мүйтен жыраў, Жийен жыраў хэм т.б. жыраў шайырларды билемиз. Себеби, бул әдебий тулғалар әдебиет тарийхында шайыр, жыраў, шешен сыпатында баҳаланады. Белгили алым К.Мәмбетов ерте дәуірдеги қарақалпақ әдебиетин изертлеў барасында усы жыраў-шайырлар дөретиўшилигине айрықша тоқтап: «... автор шығарманы өзи жазып, өзи үгит-нәсиятлаўы, өзи саз әсбабы менен атқарыў қәбилетине ийе болыўы менен белгиленеди» [8:177] деген еди.

Жыраў сөзи жыр жыраў сөзинен алынған болып, оның келип шығу тарийхы жүдә узақ дәуірлерге барып тақалады. Демек, әдебиетши алымлардың белгилеп өткенине қарағанда жыраў атамасы ХІ әсирлердеги Қорқыт ата жырлары менен байланыстырады [7:108].

Қарақалпақ әдебиетинде жыраў атамасы жүдә кең мәниге ийе болып, ХІV-ХІVІІІ әсирлер арасындағы жасап өткен Соппаслы сыпыра жыраў, Асан қайғы, Доспанбет жыраў, Мүйтен жыраў, Жийен жыраўлар өз гезегинде шайыр, жуабый шешен хэм жыраў (атқарыўшы) сыпатында да көзге тасланған хэм жыраў деген улыўмалық атама менен жүритилген. Соңғы дәуірлерге келип жыраў сөзиниң мәниси бираз тарайыңқырап, тек ғана халқымыздың бай аўызеки дөретпелерин (терме, толғаў, дәстанлар) атқарыўшыларды ғана түсинген. Олар тек ғана аўызеки әдебиетимызда бар болған аўызеки дөретпени (терме, толғаў, дәстан) атқарып қоймай, шайырлық хэм импровизациялық уқыбы басым болып, халық массасына кең таралыўында, сол аўызеки дөретпениң (дәстан хэм т.б.) идеялық, көркемлик хэм сюжетлик қурылысының артыўында айрықша әҳмийетке ийе болған. Демек, бул жыраўлар: Шаңқай жыраў, Қурбанбай жыраў, Қыяс жыраў, Ерполат жыраў, Есемурат жыраў, Өтенияз жыраў, Қуламет жыраў, Өгиз жыраўлар халқымызда жы-

раўшылық дәстүрин кәсип, өнер түрине айландырып, халық аўызеки дөретиўшилигинде таяр турған аўызеки дөретпени атқарыў менен шекленип қалмай, импровизациялық уқыптан оғада шебер пайдаланып отырған.

Жыраўлар дөретиўшилигиниң айрықша бир белгиси олардың таланты, тәбийий туўма сөз усталығы, белгили дәрежеде индивидуал шайыршылығы халық аўызеки әдебиетиниң қәлиплескен бай дәстүрлериниң дегерегинде раўажланған болады. Соның ушын да белгили алым Қ.Мақсетов:- «... қайсы бир аса талантлы халық жыраўын алсақта, оның жеке шайыршылығынан гөре, халық поэзиясының үлгилериниң атқарыўында шебер усталығы айрықша сезилип турады» [6:32] - деген еди. Соның ушын да бул жыраўлар күшли шайырлық хэм импровизациялық талантқа ийе болғаны менен олардың репертуарында болған дөретпени халық массасына кең ен жайыўында хэм толық шығарма сыпатында қәлиплесиўинде айрықша роль ойнағаны менен оларды биз дәстан авторы демей, тек ғана атқарыўшы сыпатында бақалаймыз.

Түркий халықлар ишинде қарақалпақ, қазақ хэм ноғай халықларының түби бир туўысканлығы тарийхый мағлыўматлар менен бирге ерте дәуірлердеги жыраў-шайырлардың әдебий мийраслары да буны анық тастыйықлайды. Сондай-ақ, халқымыздың бай руўхый дұныясы көркем аўызеки дөретпелерде хэм түркий әдебиет тарийхында да аңызға айланып кеткен Қорқыт ата, Кетбуға, Қотан жыраўлар да түркий әдебиетта жыраўлардың пири (устазы) сыпатында тилге алынады. Ал, қарақалпақ хэм ноғай халықларында Соппаслы сыпыра жыраўдың исми жыраўшылық мектептиң тийкарын салыўшысы, ең дәслепки баслаўшысы, түп бабасы сыпатында көринеди. Мине, усы Соппаслы сыпыра жыраўды қарақалпақ жыраўшылық мектебиниң тийкарын салыўшысы, түп бабасы сыпатында баҳаланатуғын қарақалпақ алымларынан Н.Дәўқараев, Қ.Айымбетов, Қ.Мақсетов хэм К.Мәмбетовлар өзлериниң илимий мийнетлеринде унамлы пикирлер айтқан